

Руқя



13:00 / 04.01.2022 7246

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобалардан Абу Саъид Худрий розияллоҳу анҳуни бош қилиб бир жойга қўшин жўнатдилар. Улар қайтаётиб араб маҳаллаларидан бирида тўхтаб ўтишди. У маҳалладагилардан жой сўрашди. Улар жой беришмади. Шунда у маҳалланинг бошлиғини бир нарса чақиб олди. Улар саййидларини даволаб кўришди, аммо фойдаси бўлмади. Шунда улардан бири: «Анави келганлардан сўраб кўринглар, шояд бирор манфаат чиқар!», деди.

Улар қўшиннинг олдига келишиб дейишди:

- Бошлиғимизни бир нарса чақиб олди. Даволашга ҳаракат қилдик, аммо қўлимиздан ҳеч нарса келмади. Сизларда бирор нарса борми?

Шунда мусулмонлардан бири туриб деди:

- Аллоҳга қасамки, ҳа! Мен унга руқия ўқиб қўяман. Аммо биз сиздан меҳмон қилишингизни сўрадик, сизлар меҳмон қилмадинглар. Менга эвазини бермагунингизча бошлиғингизга руқия ўқимайман!

Улар бошлиқлари агар оғриқдан қутилса бир сурув қўй беришларини айтишди. Ҳалиги киши туриб уларнинг бошлиғига етти марта фотиҳа

сурасини ўқиди. У ҳеч нарса кўрмагандек оғриқдан қутилди. Буларга бир сурув қўй беришди. Саҳобалардан баъзилари: «Қўйларни бўлиб олайлик!», дейишди. Руқя ўқиган киши: «Йўқ, ундай қилманглар. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган воқеани айтайлик. У киши нима десалар шуни қиламиз!», деди.

Улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бориб бўлган воқеани айтишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам руқя ўқиган кишига қараб:

- Фотиҳанинг шифо эканлигини қаердан билдинг? Уни тақсимланглар, менга ҳам улуш ажратинглар!- дедилар.

Араблар саховат билан танилишган. Шунинг учун кўрқоқ ва бахилни ҳурмат қилишмайди. Аммо ҳар қанақанги қониданинг истисноси бўлганидек, уларда ҳам бахиллар учраб туради. Юқоридаги қавм шунақа бахиллардан экан. Олдин ҳам инсонлар орасида бахиллар бўлган. Мусо ва Хизр алайҳиссаломлар бирга бир қишлоққа бориб овқат ва жой беришларини сўраганларида қишлоқ аҳли уларга жой ҳам, бир қултум сув ҳам беришмаган.

Қуръон қалблар ва жисмлар учун шифодир. У қалбларни шубҳалар ва шаҳватлардан даволайди. Таналарни иллатлардан тuzатади. Фотиҳа сурасига ўхшагани олдинги бирор пайғамбарга берилмаган. Юқоридаги қавмнинг бошлиғи Аллоҳнинг изни билан соғайди.

Биз ҳам Қуръон оятлари билан даволанишимиз керак. Бу дегани, моддий дориларни, шифокорларни ташлаб қўйиш керак, дегани эмас. Бунинг тамоман аксини қилишимиз лозим. Яъни, олдин шифокорга бориб унинг кўрсатмаларини олиб, уларга амал қилишимиз керак. Дори ва шифокорни сабаб деб билишимиз лозим. Булар фойдани ҳам, зарарни ҳам фақатгина Аллоҳнинг изни билан бера олишади холос. Қуръон билан шифокорлар тавсия қилган дорини бирга ишлатиш аввалгилар фикҳи ҳамда борлиқдаги Аллоҳнинг қонунини яхши англашдир.

Бу ҳадисдан руқя учун ҳақ олишнинг дурустлиги келиб чиқади. Йўқса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларга уни олмасликни айтар, ундан ўзларига улуш олмас эдилар. Қолаверса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дунёдан беҳожат эдилар. Булар бари шариат қонунларини бизга англатиш учундир. Аммо эваз олишдан ўзини беҳожат билган инсон олмаса ўзининг иши.

Бу қиссадан яна саҳобаларнинг ҳар бир ишни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўраб қилганларини билиб оламиз.

Бизнинг ҳам ҳаётимиз шариат меъёри ҳамда саҳобалар парҳезкорлигига мувофиқ бўлганида яхши бўлар эди!

Абдулқодир Полвонов